

Иордания Ҳошимийлар Қироллиги муфтийси, доктор Аҳмад Ҳасанот билан учрашув



07:44 / 07.02.2025 1266

Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Давронбек Махсудов ва Ўзбекистон Муслмонлари идораси раисининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов Иордания Ҳошимийлар Қироллиги муфтийси, доктор Аҳмад Ҳасанот билан учрашув ўтказишди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик, замонавий масалаларда фатволар ҳақида сўз борди. Муфтий жанобларини Ўзбекистонга ташриф буюриб, у ердаги Фатво маркази фаолияти билан ҳам танишишларини таклиф этаркан, Ўзбекистон томони бу учрашувдан жуда ҳам мамнун бўлганини айтиб ўтди.

Муфтий доктор Аҳмад Ҳасанот ҳам учрашувдан жуда хурсанд бўлгани, икки томонлама алоқаларни яна ҳам ривожлантириш кераклигини таъкидлади. Ҳамкорликни доимо давом этишини билдирди.